Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 57 (7. 146) ◎ 1990 йил 11 март, якшанба ◎ Баҳоси 3 тийин

НАВРЎЗ — БАҲОР ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

⊙ Илгари хабар қилинганидек, йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси 18 март кунини баҳор ва дўстлик байрами — Наврўзга тайёргарлик ва Ўзбекистон пойтахтини кўкаламзорлаштириш бўйича якшанбалик деб эълон қилиш ҳақидаги Ҳамза район бир гуруҳ депутатларининг Мурожаатини яқдиллик билан маъқуллади.

Ҳамза райони бир гуруҳ депутатларининг МУРОЖААТИ

Ҳамза район маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш кенгаши маҳаллалар аҳолисининг ташаббуси билан ҳар ойнинг иккинчи якшанба кунини ободонлаштириш, озодалик ва районни боққа айлантириш ишлари куни деб эълон қилишга қарор қилди.

Барча тошкентликларни ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга, ҳар ойнинг иккинчи якшанба кунини шаҳримизни боғлар шаҳрига айлантириш бўйича умум шаҳар якшанбалигига айлантиришга даъват этамиз.

18 март — дам олиш куни, умумхалқ баҳор ва дўстлик байрами, деб эълон қилинганлиги шарафига шу куни биринчи якшанбаликни ўтказайлик. 18 март Наврўзга фаол тайёргарлик куни, шаҳарни кўкаламзорлаштириш, озодалик ва тартиб ўрнатиш кунига айлансин.

Ҳамза райони халқ депутатларининг биринчи сессияси, шунингдек районда жойлашган корхоналар халқ депутатларининг 21 апрелда —Владимир Ильич Ленин туғилган кун шарафига шанбалик деб эълон қилиш, шу куни ишлаб топилган маблағларни район озодалиги ва ободонлаштириш фондига ўтказиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади.

Шунингдек, барча тошкентликларни 21 апрель куни шаҳар миқёсида шанбалик ўтказишга, унда ишлаб топилган маблағларни Тошкентни саранжом-саришта қилиш ва ободонлаштириш фондига ўтказишга даъват этамиз. Шаҳримизнинг тарихан таркиб топган қадимги 12 дарвозасини қайта тиклашда биз билан бирга иштирок этишга чақирамиз.

Н. ҲАСАНОВ,
Т. САИДХЎЖАЕВ.
С. ТОЛИПОВ,
А. АБДУВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Советининг депутатлари.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК



ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

⊙ АКМАЛ Икромов районидаги Ульянов номли маҳалла аҳли баҳор байрами — Наврўзга қизғин тараддуд кўрмоқда. Ана шу байрам кунигача маҳаллаларда, барча кўчаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади, ариқлар чиқиндилардан тозаланиб, мевали ва гул кўчатлари ўтқазилади.

Бу ишлар маҳалла аҳлининг бўш вақтларида ва 75, 109-мактаб ўқувчиларининг ёрдамида амалга оширилади.

— Наврўзни муносиб кутиб олиш учун маҳалламиздаги барча уйларнинг деворлари оқланиб, эшиклари бўялади, — дейди маҳалла қўмитасининг раиси Р. Масхаров. — Кўчаларимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг баҳри-дили очилиши учун унинг ҳамиша озода ва кўркам бўлишига эришамиз.

Р. ФАИЗИЕВ.

Тарихий номлар берилди

⊙Шаҳар атамалар комиссияси тарихий номларни тиклаш борасида бир қанча ишларни амалга оширмоқда.

Фрунзе районидаги Иваново тўқимачилари даҳаси Қушбеги номи билан, Собир Раҳимов районидаги Сберкасса кўчаси — Аллон номи билан, Уйланиш проезди — Тўмарис, Металлистов кўчаси — Широқ, Федченко кўчаси — Ш. Тошкандий ва Қарағанда кўчаси эса Ш. Илоқий номи билан аталадиган бўлди. Шунингдек, ўрта мактабларга ҳам машҳур санъаткорларнинг номлари берилди.

О. ЮСУПОВ.

Тошкент область партия комитетида

Область партия комитети бюроси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал бўлинишларига айрим ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тадбирлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Марказий Комитет қарорига мувофиқ Янгийўл шаҳар, Бектемир (Тошкент шаҳар партия ташкилоти таркибида), Коммунистик ва Янгийўл ноҳия партия комитетларини ташкил этиш бўйича Тошкент область партия комитети ташкилий бюросини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ташкилий бюрога шу йилнинг март ойида бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказиб делегатлар сайлаш, апрель ойининг биринчи ўн кунлигида I Бектемир ноҳия партия конференциясини ўтказиш вазифаси топширилди.

Ташкилий бюрога вилоят партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими, ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар партия комитети билан ҳамкорликда Бектемир, ноҳия партия комитети аппаратини мавжуд штатлар ва область партия ташкилоти иш ҳақи фонди ҳисобига комплектлаш вазифаси топширилди.

Область партия комитети бюроси область партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими, ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар партия комитети зиммасига янги ташкил этилаётган партия комитетларига ташкилий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини юклади.

Тошкент вилоят комсомол комитетига шаҳар ва ноҳия комсомол комитетларини шу тарзда тузиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Бектемир ноҳия комитетини тузиш юзасидан Тошкент область партия комитети ташкилий бюросининг

ТАРКИБИ

Соболев Геннадий Иванович — 1950 йилда туғилган, рус, 1978 йилдан КПСС аъзоси, Нариманов шаҳар партия комитетининг биринчи котиби — ташкилий бюро раиси.

Алимов Шавкат Адҳамович — 1951 йилда туғилган, ўзбек, 1973 йилдан КПСС аъзоси, Тошкент мотор заводи директори.

Баширова Ҳалима Мавлетовна — 1945 йилда туғилган, татар, 1967 йилдан КПСС аъзоси, Бектемир ноҳиясидаги 5-ўрта мактаб директори.

Гончов Ботир Шерназарович — 1951 йилда туғилган, ўзбек, 1973 йилдан КПСС аъзоси, вилоят партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими масъул ташкилотчиси.

Исаев Георгий Георгинович — 1938 йилда туғилган, арман, 1973 йилдан КПСС аъзоси, Тошкент темир-бетон буюмлари заводи директори.

Косигин Николай Геннадиевич — 1950 йилда туғилган, рус, 1976 йилдан КПСС аъзоси, Тошкент экспериментал тажриба-механика заводи слесарлар бригадири.

Фальков Игорь Леонидович — 1956 йилда туғилган, рус, 1987 йилдан КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ ноҳия партия комитети умумий бўлимининг мудири.

Шегай Валентин Афанасьевич — 1952 йилда туғилган, корейс, 1981 йилдан КПСС аъзоси, Киев олий партия мактаби тингловчиси.

Йўлдошев Мавлон Шукурович — 1954 йилда туғилган, ўзбек, 1977 йилдан КПСС аъзоси, вилоят партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими масъул ташкилотчиси.

СПОРТ

СЎНГГИ ХАБАРЛАР

⊙ ФУТБОЛ. Жазоирда футбол бўйича Африка чемпионати ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда Италияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати учрашувларида совет терма командаси футболчиларига қарши ўйинайдиган Камерун терма командаси Сенегал командасига 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйди.

⊙ ЎТГАН КУНИ олий лига командалари беш учрашув ўтказишди. Бу ўйинлар қуйидаги натижаларда тугади: Москванинг «Динамо» футболчилари Волгограднинг «Ротор» командаси билан 1:1 ҳисобида ўйнашди. Ана шундай ҳисоб—Марказий армия спорт клуби ва Киевнинг «Динамо» футболчилари учрашувида ҳам қайд этилди. Одессада «Черноморец» командаси Вильнюснинг «Жальгирис» футболчиларини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришди. Душанбенинг «Помир» футболчилари эса Донецкнинг «Шахтёр» командасини 2:1 ҳисобида ютиб ўз майдонларида биринчи бор ғалабани қўлга киритишди. «Арарат» (Ереван) — «Металлист» (Харьков) ўйинларида ҳисоб очилмади. Шундай қилиб бугунги кунда Одессанинг «Черноморец» командаси тўрт очко билан турнир жадвалида пешқадамлик қилмоқда.

⊙ ГАНДБОЛ. Прагада гандбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувининг финал ўйинлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз гандболчилари Швеция спортчилари билан учрашиб, 27:23 (11:12) ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

«Бирлик» раҳбарлари нимага даъват этмоқдалар?

МАЪЛУМКИ, 3 март куни Паркентда рухсат берилмаган митинг бўлиб ўтди. Митинг фожиали оқибатларга олиб келди ва одамлар қурбон бўлди. Тўрт киши, жумладан Паркент райони аҳолисидан уч киши ва бир милиция офицери ҳалок бўлди. Аслида қандай воқеа рўй берди?

Мана шу воқеаларнинг бошланиши, сўзсиз, Бўка районидаги воқеалар айни Бўкадан Паркент районига месхети туркилари олиб келиниб, «Кумушкон» пансионатида жойлаштирилганлиги билангина эмас, айни пайтда Паркентдаги митинглар ҳам, Бўкадаги митинглар ҳам айнан бир-бирига ўхшашлиги билан ўзаро боғлиқдир.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, Паркент ва Бўка районларидаги аҳвол ташқаридан қараганда анча дурust кўринсада, ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ва бутун республикага хос бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳар иккала районда ҳам мавжуд — бу районларда кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси паст, ер етишмайди, маиший қулайликлар йўқ. Айни мана шу муаммолар одамлар норозилигига асосий сабаб бўлди, деб ўйлаймиз.

Мазкур районларнинг раҳбарлари етилган ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга зарур даражада эътибор бермаганликларини ва бунинг устига митингга ҳозирлик кўрилаётганлигини билатуриб, тушунтириш ишлари олиб бориш учун райондаги барча фаоллардан фойдаланмаганликларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ваҳолонки, шу куни Паркентга келган республика раҳбарлари билан суҳбатда қариялардан бири ана шу ҳақда алам билан гапирди. Бутун умр мана шу районда яшаган қариялар, уруш ва меҳнат ветеранлари етилган воқеалардан четда турган хўжаликлар раҳбарларининг, сайлаб қўйилган фаолларнинг, зиёлиларнинг сусткашлиги тўғрисида ошкора гапирдилар.

Воқеалар бошланишидан бир неча кун илгари «Бирлик» ташкилотининг митингга даъват этувчи варақалари тарқатилганлигини, Тошкент бозорларида, айрим ўқув юртларида паркентликлар районда бўкалик месхети туркилари жойлаштирилганлиги учун ҳақоратланганликларини айтиб ўтиш зарур.

Эрталаб Паркентнинг турли жойларида одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланишиб, район партия комитети томон юра бошладилар. Партия ходимлари олиб борган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермади. Одамлар тобора кўпайиб борди. Бундан илгари Бўка районида ҳам худди шунга ўхшаш воқеа юз берган эди. У ерда ҳам одамлар дастлаб 20—30 киши бўлиб, сўнгра бу рақам 100 кишига ва сўнгра 1000 кишига етган эди. Бу ерда муайян кишилар, шу жумладан «Бирлик» вакиллари ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, савдо, соғлиқни сақлаш соҳасидаги нуқсонларнигина эмас, шу билан бирга райондан месхети туркларини олиб чиқиб кетиш, халқ депутатлари сайлови якунларини бекор қилиш тўғрисидаги қатъий талабни ўртага қўйган эдилар, яъни талаблар сиёсий масалалар билан ниҳоясига етган эди. Паркентдаги воқеалар тўғрисида гапирар эканмиз, Бўка районида ўт қўйишлар (48 та уйга ўт қўйилган эди), зўравонликлар рўй берганлигини назарда тутиб, Паркент районига милиция қўшимча кучлари ва ички қўшинлар бўлинмаси олиб кирилганлигини ҳам айтиш лозим.

Милиция кучлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг майдонларда ва бошқа очиқ жойларда митинглар ўтказишни тақиқловчи Фармонига биноан митингга тўпланган кишилардан тарқалишни талаб қилганларида ва улар қурол ишлатмай, таёқлардан фойдаланиб оломонни ижроия комитет биносидан четлаштира бошлаганида оломон уларни тошбўрон қилди. Натижада милиционерлар орасида азият чекканлар бўлди. Шу пайтга келиб рухсат берилмаган митинг қатнашчиларининг сони 5 минг кишига етди. Улар орасида бошқа жойдан, хусусан Бўка районидан келган кишилар анчагина эди.

Воқеаларни назорат қилиб бўлмай қолди. Милиция ва ички қўшинлар солдатлари қурол ишлатдилар. Автомобиллар ва автобуслар, район ички ишлар бўлимининг биноси ёндириб юборилди.

Айни пайтда шуни айтиш керакки, раҳбар органлардан ҳеч ким қурол ишлатишга рухсат бермаган эди.

Отишга буйруқ берилган ёки берилмаганлигини ёхуд кимдир тошбўрондан чўчиб, қурол тепкисини босиб юборганлигини — буларнинг ҳаммасини нуфузли комиссия диққат билан ўрганиб чиқади. Айбдорлар, лавозимидан қатъи назар, ғоят қаттиқ жазога тортилади. Шу ҳусусда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг комиссия тузиш ҳақидаги махсус қарори қабул қилинди. Комиссияга СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари, ҳўжаликларнинг раҳбарлари киритилдилар.

Бироқ мана шу фожиали воқеалар яна бир нарсани: республикадаги вазиятнинг барқарорлашиши, одамларнинг осойишталиги кимларгадир мақбул эмаслигини, бу нарса ўзларини «Бирлик» норасмий ташкилотининг раҳбарлари деб билган айрим кишиларнинг режаларига кирмаганлигини ошкор қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми февраль ойидаёқ илгари айтиб ўтилганидек, республикадаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, оммавий митинглар ва намойишларни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Паркентдаги митингга чиққан кишиларнинг кўпчилиги эҳтимол бу ҳақда билмаган бўлишлари мумкин. Аммо «Бирлик» ташкилотининг митингда фаол иштирок этган раҳбарлари буни шубҳасиз билар эдилар. Ҳаммага маълум А. Пўлатов Паркентдагина эмас, Бўкада ҳам халқни оммавий бўйсунмасликка, давлат идоралари қарорларини бажармасликка ошкора даъват этди. Бунинг устига А. Пўлатов ва унинг атрофидагилар фактларни ошкора бузиб кўрсатиш йўлига ўтиб олдилар. Улар ўзларининг омма орасидаги нутқларида, тарқатилаётган варақаларда республика раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари сохта ва уйдирма деб, уларга ишонмасликка даъват этмоқдалар.

Аммо фактлар буни рад этади. Ҳозирнинг ўзидаёқ деҳқонларга салкам 160 минг гектар ер ажратиб берилди, пахта етиштиришнинг 1990 йилги плани анча қисқартирилди ва у 1,5 миллион тонна пахта толасини ташкил этади. Пахта якка ҳокимлигини бутунлай тугатишга ҳали анча вақт бор, албатта, бироқ халқимиз учун ғоят муҳим бўлган бошқа экинлар майдонини кенгайтириш йўлидан борилаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Бундан ташқари пахтага тўланадиган қўшимча ҳақ кўпайтирилди.

Давлат мактабларда, болалар боғчаларида болаларни бепул овқатлантириш учун ҳам маблағлар ажратди. Бу айниқса қишлоқ жойларда катта мадад бўлмоқда. Ҳомиладор аёллар қўшимча овқатлантириладиган бўлди. Кадрлар сиёсатида, илмий кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилашда катта куч-ғайрат сарфланмоқда. Яқинда ёш олимларнинг катта бир гуруҳи мамлакатнинг етакчи илмий марказларига жўнаб кетди. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшилаш, экология вазиятини соғломлаштириш, миллатлараро муносабатларни нормаллаштиришга оид бошқа жиддий тадбирлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Буни фақат сўқирлар ёки атайлаб шундай қилмоқчи бўлган кишилар кўрмаслиги мумкин. «Бирлик» раҳбарлари айни шундай қилмоқдалар. Улар ўзларини халқ вакиллари деб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ижобий ишларни камситишга уринмоқдалар, ҳар қандай ютуқларни эса ўзларининг иши деб билмоқдалар.

Нима учун шундай бўлмоқда, деган савол туғилади. Жавоб қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Улар халқ адолатли тарзда илгари сураётган чинакам ижтимоий-иқтисодий талабларни ниқоб қилиб олиб, барча митингларда, ўзларининг барча варақаларида халқни «Бирлик» раҳбарларини халқ депутатлигига кўрсатишга чақирмоқдалар. Уларнинг ҳаракатларини ҳокимиятга интилишдан бошқа ҳеч қандай нарса билан изоҳлаб бўлмайди! Хўш, уларга ҳокимият нима учун керак? «Бирлик» раҳбарлари учун ҳокимият халқ турмушини енгиллаштириш учун керак, деб ўйлайдиганлар хато қиладилар. «Бирлик» буни ўз фаолиятининг бошида, у ва партия, давлат идоралари ўртасида алоқа йўлга қўйила бошлаган пайтда қилиши мумкин эди. Уларга матбуотда, радио, телевидениеда чиқишга имконият берилди. Марказий Комитетда учрашувлар ўтказилди. Уларнинг устави эълон қилинди. Халқ турмушидаги қийинчиликлардан фойдаланилди, баланд-парвоз гаплар айтилиб, одамлар бахт-саодати учун курашчилар ниқоби остида иш юритилди. Фақат бир нарса — амалий иш бўлмади. Айтганча, «Бирлик» раҳбарларининг конкрет ишлари энг гавжум жойларда митинглар ўтказишда ўз ифодасини топмоқда. Ў ерларда яна халқ қисматини енгиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги бақириқ-чақириқлар, рўй бераётган воқеалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилишлар бўлди. Бўкани яна бир бор эсга олайлик. Районга келган республика раҳбарлари тартибсизликларнинг пайини қирқиш учун ниҳоятда шошилинч чоралар кўрдилар. Бу ерга дарҳол «Бирлик» раҳбарлари ҳам етиб келишди. Улар ҳам аланга ичидаги уйларни, тўнтарилган автомашиналарни кўришди. А. Пўлатов ўз нутқида жаҳолатни тўхтатиш ўрнига республика ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилишига ишонмасликка даъват этди, Олий Советга сайлов натижаларини бекор қилишни, районда «Бирлик» бўлимини тузишни талаб қилди ва ҳаммаёқ ёниб турган пайтда оломонни қўзғади. У ва унинг сафдошлари ўзларини байналмилалчи, деб эълон қилиб, райондан минглаб бошқа миллат кишилари шошилинч тарзда олиб чиқиб кетилишини бепарволик билан кузатиб турдилар.

Шуни айтиш керакки — гап чинакам халқ ҳаракати сифатида вужудга келган республика бутун аҳолисининг иродаси ва орзу — ниятларини ифодаловчи «Бирлик»нинг ўзи ҳақида бораётгани йўқ. Гап «Бирлик» шиорлари билан ниқобланиб, ўзининг бутун куч-ғайратини миллатлараро нифоқни авж олдиришга, бемаъни, ичгогарона миш-мишларни тарқатишга сарфлаётган кимсалар ҳақида бормоқда. «Бирлик» бошида турган, бу норасмий ҳаракатнинг самимий тарафдори бўлган кишилар ундан четлашганлиги бежиз эмас. Тўғрироғи, улар «Бирлик» ғояларидан эмас, балки ҳозир ўзларини унинг раҳбарлари, деб атаётган кишилардан четлашдилар.

Бугунги кунда уларнинг ичгогарона ҳаракатлари кимга энг кўп маъқул тушмоқда? Бу биринчи навбатда бизнинг чет эллик «дўстларимиз» ва «хайрихоҳларимиз»га маъқул бўлмоқда. Кейинги пайтда улар ҳақда танқидий руҳда гапириш расм бўлмай қолди, бунинг устига айрим журналистларимиз чет эл радиоовозлари эшиттираётган ахборотни холислик намунаси деб эълон қилмоқдалар. Лекин Ўзбекистонда кейинги пайтда содир бўлган воқеаларнинг, республикамиз турмушида рўй бераётган ўзгаришларнинг ёритилиши чет эллик журналистлар туйғуларининг самимийлигига шубҳа билан қарашга мажбур қилмоқда. Самарқанд шаҳрида комендантлик соати жорий этилганмиш, деган рўй-рост сохта ахборотни, босмачилик тарихи ҳақидаги фирибгарликни ва ҳоказоларни эслайлик. Мана энди Бўка, Паркент ва республикамизнинг бир қанча бошқа областларидаги воқеаларни олайлик. Бундай ахборотларни асосий етказиб берувчилар ҳам ҳудди шу «Бирлик» раҳбарларидир. Улар чет эл радиоовозлари ёрдамида республикада ижтимоий тузумни бузишга, халқлар ўртасида ишончсизлик уруғини сочишга, вазиятни барқарорлаштириш юзасидан партия ва совет органлари кўраётган тадбирларга ишончсизлик уйғотишга умид қилмоқдалар.

Партия ва совет идораларининг ходимлари бу кишиларга бундай сиёсатнинг ҳалокатли эканлигини чидам билан тушунтиришга бир неча бор уринишди, уларни қайта қуриш жараёнида, республика олдида турган барча муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишга даъват қилишди. Лекин буларнинг барчаси уларга керак эмаслиги энди равшан бўлиб қолди. Уларнинг мақсади бошқа. Халқ ташвиши уларни қизиқтирмайди. Улар учун шахсий нафсониятлари, ғаразли мақсадлари ҳамма нарсадан афзал.

Республика қийин ва мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Унинг олдида кўпгина ҳал этилмаган муаммолар кўндаланг бўлиб турибди ва бу муаммоларни уннинг аҳолиси бўлмиш бизлардан бошқа ҳеч ким ҳал этмайди. Бундан кейин қандай яшашимиз бизнинг меҳнатимизга, виждонимизга, бугунги кундаги ҳаётий позициямизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар биримиз ўз позициямизни аниқ белгилаб олайлик!

Иш билан бандлик

Дастур қўйган вазифа

⊙ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилган иш билан бандлик хусусидаги махсус қарорида ишчи кучидан тўла фойдалана олмаётган, ишсизлик ҳолларига тамоман барҳам бера олмаётган вилоят ва шаҳарларнинг мутасадди ташкилотлари олдига катта вазифалар қўйилган.

БУГУНГИ кунда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш Тошкент шаҳри иқтисодий ва социал тараққиётининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолди. Чунки шаҳримизда ишчи кучи йил сайин ўсиб боряпти. Лекин бугун улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги тадбирларни етарли дея олмаймиз. Мазкур соҳага эътибор ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам юқорироқ бўлиши лозим. Ахир, одамларни иш билан таъминламай туриб, турмуш фаровонлигини ошириш хусусида нима ҳам дейиш мумкин. Қолаверса, бугунги кунда иқтисодиётни ўнглаб олиш мавжуд кучлардан тўла фойдаланишни тақозо этади. Республика Министрлар Советининг юқоридаги иш билан бандлик бўйича қабул қилган қароридан сўнг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида «Иш билан бандлик» дастурини ишлаб чиқиш ва шу соҳадаги амалий тадбирларни бажариш учун махсус мувофиқлаштириш кенгаши тузилди. У изчил режа асосида ҳозирданоқ бир қатор тадбирларни бажаришга муваффақ бўлди.

Шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш маркази ўтган йили Тошкентда 19 минг аҳолини ўзига мос ишларга жалб этди. Россия ҳамда бошқа иттифоқдош республикаларнинг турли муассасаларига юборилган кишилар сони эса 1085 нафарни ташкил этди.

60 га яқин шаҳар ва қишлоқларнинг ишчилари ҳамшаҳарларимизни ўз корхоналарига юборишларини сўрашади. Биз табиийки, маҳаллий аҳоли орасидан истовчиларни ўша ерларга жўнатяпмиз. Лекин ўрни келганда оммавий равишда одамларни бошқа корхоналарга жўнатиш сўнгги йилларда ўзини сира оқламаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки маҳаллий аҳолининг кўпчилиги авваламбор бошқа районларнинг иқлимига мослаша олмасалар, баъзилари борган жойларда шарт-шароитларнинг яхши эмаслиги туфайли 2—3 ойга қолмай қайтиб келишяпти. Демак, бу билан фойдаланилмаётган ишчи кучи камайиши ўрнига кўпаётганлигини тан олиш керак.

Энди колхоз ва совхозларга кетаётган оилаларга келсак, уларнинг сони йилдан-йилга ўсиб боряпти. Бунинг сабаби деҳқончилик қилишга якка ҳолда эмас, балки оилавий киришишга интилишдир. Қолаверса, ўзбек халқи деҳқончиликни севади. Етти пушти деҳқон ўтган оилалар Россиянинг бўшаб ётган ерларини боғу роғларга айлантиришяпти. Биз кишиларимизнинг бошқа жойларда бўлса-да ишлаб чиқаришда ўз ўрниларини топишаётганидан жуда хурсандмиз. Мана, яқин кунларда Новгород ва Рязанга кўплаб ана шундай оилалар кетишади. Кўчиб кетишларининг асосий сабаблари колхоз ва совхозларда кўчиб борган оилалар турар жой, ер билан таъминланадилар. Уларга йўл харажатлари ҳам тўланади. Бир томондан, бу қувончли ҳол: ҳамшаҳарларимиз иш билан таъминланишяпти. Иккинчи томондан эса, кишини ўйга соладиган ҳолат. Нега? Чунки мана шу кўчиб кетишларнинг ўзи республикамизда турар жой бинолари билан таъминланмаганлик, иш етишмаслиги, томорқа хўжаликларининг, умуман шаҳарликлар учун етарли шароитлар йўқлиги туфайли содир бўлаётганлиги сир эмас. Ахир, шаҳарда уларнинг талаблари қондирилса, бу Тошкентнинг иқтисоди учун қанчалар фойда бўларди. Ваҳоланки бугунги кунда ишчилар етишмаётган корхоналар шаҳримизда анчагина. Айни пайтда шаҳримизнинг турли ишлаб чиқариш жабҳалари, саноат корхоналари ишчи кучи билан тўла таъминланмаган. Рақамлар тили билан айтсак, ҳозир ўз эгасини кутиб ётган 8,5 минг бўш ўрин бор. Кишини ҳайрон қолдирадиган рақамлар, тўғри эмасми? Бир ёқда лаёқатли одамларнинг ишсизлиги, иккинчи томонда бўш ўринлар. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Главташкентстрой», В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, мотор заводи ишчилар етишмаслиги туфайли тўла қувват билан ишламайди.

Умуман бугун шаҳарда фойдали меҳнатга жалб қилиниши мумкин бўлган 49,7 минг киши ҳисобга олинган. Ҳозир улар ҳеч қаерда ишлашмайди. Иш билан банд бўлмаган бу кишиларнинг 29,5 минги аёллар эканлиги ачинарли. Ишламаётган кишиларни ўз талабларига, қобилиятларига ва қизиқишларига яраша иш билан таъминлаш ёмон аҳволда. Албатта, улар орасида бекорчи, дангасалар, ўзларини ишдан олиб қочиб юрганлар ҳам бор. Аммо биз бугун ишга лаёқатли ва меҳнат қилишни истаганларга қулайлик яратиш ҳақида жиддий ўйлашимиз лозим. Ҳозиргача одамларимиз қалбини топиб, уларни юз фоиз иш билан таъминлай олмаётганимиз биз учун ҳам ниҳоятда кечирилмас ҳол. Шаҳримизнинг турли районларида, айниқса Октябрь, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районларида меҳнат қилишни истовчилар талайгина. Бу ҳолни ҳам шаҳримизда социал соҳанинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бугун одамлар ишлаганига яраша яхши ҳақ тўланадиган, меҳнат шароитлари яхши бўлган, аёллар эса фарзандларини боғчага жойлаштириш мумкин бўлган, ёш оилалар турар жой билан таъминлайдиган коллективларда ишлагилари келади. Бундай тўла шароити бўлган корхоналар эса афсуски, шаҳримизда ниҳоятда кам. Бизнинг тахминий ҳисоб-китобларимизга қараганда, бугун ишсиз ўтирган аёлларнинг фарзандларини боғча ўринлари билан тўла таъминлаш учунгина 180 миллион сўм маблағ талаб қилинаркан. Бизда эса ортиқча маблағлар йўқ. Саноат корхоналари хўжалик ҳисоби шароитида иш кўра бошлагач, ҳар бир сўмни ўйлаб сарфлайдиган бўлишган. Лекин инсон омилига тўла эътибор берилгандагина, меҳнат шароитлари яхшилагандагина тўла қувват билан иш кўриш мумкинлигини ҳалигача кўпчилик раҳбарлар яхши тушунишмайди.

Ишламаётган аёллар хусусида гап кетганда ҳам шуни мана шу масала фаолиятимизга тўсқинлик қилаётганини айтиб ўтиш керак. Чунки улар ишхоналарнинг ўз уйларига яқинроқ бўлишини истайдилар. Бугун эса юқорида таъкидлаганимиздек, ишга яроқли кишилар шаҳарнинг бир бурчагида бўлишса, корхоналар шаҳарнинг бошқа бурчагида.

Ҳали ўзларига касб танламаган, кечагина мактабни тугатган йигит ва қизлар, ўзлари танлаган касб бўйича иш ахтараётган ёш мутахассисларга етарли ёрдам бера олмаётганимиз ҳам жиддий муаммоларимиздан. Аҳолини ишга жойлаштириш маркази ўз рўйхатида турган ўринларнигина аҳолига таклиф қила олади. Лекин турмуш шароитларини яхшилаб, болалар боғчаларини кўпайтиришни эпломлаб-куймасак, бу муаммога фақатгина бир томонлама ёндошиш нотўғри бўларди.

Айни пайтда шаҳарда «Иш билан бандлик» дастури қабул қилинди. Бу соҳада амалий тадбирлар белгиланиб, ишга киришилди ҳам. Бугун биз 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 50 ёшгача бўлган аёлларнинг нима сабабдан ишламаётганлиги, шунингдек, уларнинг қандай соҳада фаолият кўрсатишлари мумкинлигини аниқлашга киришдик. Шаҳар бўйича 4572 нафар ҳисобчиларимиз айнан мана шу иш билан шуғулланадилар. Аниқланган маълумотлар натижасида биз ўз фаолиятимизни қайта ташкил этишни ўйлаб кўрамиз. «Иш билан бандлик» дастурини бажаришда «Швеция модели» деб аталадиган иш усулини амалда қўллаш ҳам фойдадан ҳоли бўлмас эди, деб ўйлайман. Бу моделга кўра меҳнат биржасининг вакиллари махсус майдонларда иш кўриб, ишдан бўшаган ёки бирор сабаб билан ўзига мос соҳани топа олмаган одамларнинг қобилиятига яраша касб топиб беришлари керак. Акс ҳолда биржа бундай ишсизликка йўл қўйгани учун ўша одамларга пул тўлайди. Албатта, маблағ ажратишга ҳали эрта-ку, лекин яқин кунларда шаҳримизнинг барча районларида ўз вакилларимизни, жаъми 105 кишини маълум қўчаларга бириктириб қўйиб, ўша ердаги аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қила бошлаймиз. Республика Молия министрлиги дастлабки пайтда бу кишиларнинг маошини тўлаб боради. Кейинчалик эса бундай ходимлар район Совети ижроия комитетларига бириктириб қўйиладилар.

— Бу йил фақат шу кишилар орқали одамларни иш билан таъминлашга 338 минг сўм маблағ ажратилди.

«Иш билан бандлик» тўғрисида сўз юритганимда бугун шаҳримизда турар жой муаммоси ҳам муҳим сабаблардан бири эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки иш ахтариб юрганлар сони, корхона ва ташкилотлардаги ходимлар қўнимсизлигининг ортиб бораётганлиги туфайли ҳам ўсяпти. Шундай экан, мазкур муаммони ҳал қилишга фақатгина аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари эмас, балки шаҳарнинг барча ташкилотлари, ижроия комитетлари, маҳалла комитетлари ҳамда турар жой бошқармалари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак.

Л. БОРИШЧЕНКО,
Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўллаш марказининг директори.

⊙ УСТА. Тошкент асбобсозлик заводининг ишчиси Йўлдош Абдураҳмонов.
Т. Каримов сурати.



⊙ ПАЙВАНДЧИЛАР. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги иш жараёни. Р. Шарипов сурати.

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

ЭЗГУЛИК КУРТАКЛАРИ

⊙ Ўзбекистон тупроғида ҳақиқий уйғониш бошланди. Яқинда ёғиб ўтган қор гарчи ўзининг кумуш чечакларини билан заминни забт этган бўлса-да, лекин унда узоқ вақт ҳукмронлик қилолмади. Баҳорнинг яшил синоҳлари—майсалар қор чойшабини ёриб бутун заминни уйғонишга чақирди.

СОБИР Раҳимов районининг сув йўлларини таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланувчи 6-махсус бошқармаси ҳам баҳорги ишлар режасини ишлаб чиқди. Бу йил С. Раҳимов райони ерларига икки ой давомида қўплаб турли-туман дарахтлар экилади. Ўн минг донадан ортиқ экиладиган турли хил гул кўчатлари ҳам атрофга алоҳида чирой бағишлайди. Талабалар шаҳарчаси ҳам шу районда жойлашган. Хўш, бу кичик шаҳарчада баҳорги ишлар қандай олиб борилади? Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида талабаларнинг ҳиссаси қандай бўлади?

— Бошқармамиз шаҳарчада бу йилги мавсумда кўпгина ишларни амалга оширади, — дейди 6-қурилиш бошқармаси бошлиғи Б. Ғафуров. — 8400 погон метр бетон ариқ, 921 погон метр узунликдаги кўприк ости қувур йўллари тозаланади. Ўз ўрнида бузилган ариқлар ҳам тартибга келтирилиб, тузатилади.

Бу ишларнинг амалга оширилиши яхши, албатта. Лекин ўша ариқлар қайта-қайта тозаланавергани билан унга сув келмаса-чи. Минглаб кўчатлар экилса-да, сувсизликдан қуриб кетса-чи? Хўш унда нима қилиш керак? Сув чиқариш керак. Қачон?..

Ҳар йили қанчадан қанча кўчатлар экилади, лекин ёзнинг жазирама иссиғида сувсизликдан қуриб қолади. Талабалар шаҳарчасидаги бирорта ётоқхона олдидаги ариқларга талабалар сув келганини эслолмайдилар. Ҳатто айрим жойлардаги бетон ариқлар тупроқлар остида кўринмай кетган, чунки сув йўқ. Фақатгина политехника институтининг 30-ётоқхонаси олдидаги майдон баҳорда яшнаб туради, холос. Шаҳарчадаги бошқа ётоқхоналарнинг атрофидаги дарахт ва гуллар эса водопровод суви билан суғорилади. Ўтган йили дорилфунуннинг 89-ётоқхонаси гулзорига 500 дан ортиқ бутасимон деворгул экилган эди. Аввалига бу гулларни қизлар челакда сув ташиб парвариш қилишди. Аммо ёзнинг жазирама иссиғи бошландию, уларнинг фидойилиги унга бардош беролмай қолди.

Талабалар шаҳарчасини айланиб юриб бир нарсага ҳайрон қоламан. Ён-атрофда ўнлаб фавворалар, ҳовузлар бор. Лекин ҳалигача буларнинг бирортаси ҳам гулзорларга ўхшаб сув кўрмаган. Ичи турли хил чиқиндиларга тўлиб кетган. Мазкур ҳовузлар аслида нима мақсадда бунёд этилган ўзи? Ахлат ташлаш учун шунчалик қимматбаҳо ҳовузни қуриш шартмиди? Кўчат экиш ҳар баҳорда такрорланади. Аммо экилган кўчатларнинг ҳолини? Уни парвариш қилишчи? Наҳотки масаланинг бу томони ҳеч кимни қизиқтирмаса.

Баҳор бу йил ҳам биздан ўз бағрини яшил сипоҳларга тўлдиришимизни сўрайди. Биз уни орзиқиб кутдик. У бизга Наврўзни олиб келди. Наврўз муқаддас айём, яшариш, янгиланиш айёми экан уни биз яшил ниҳолларга буркайлик.

М. ҲОЖИМАТОВ,
ТошДУ талабаси.

ХИЁБОН БОҒБОНИ

⊙ Қишин-ёзин бир хилда яшнаб турувчи бу хиёбондан ҳар куни минглаб одамлар ўтишади. Улар чиннидек тоза қилиб супуриб сидирилган йўлакларга, чор-атрофга алоҳида чирой бағишлаб турган дов-дарахтларга меҳр билан боқадилар. Шундай гўзалликни яратган моҳир қўлли касб эгаларининг меҳнатига ҳавас қилмай бўладими, ахир.

⊙ ОТА ИЗИДАН. Боғбон Файзулло Саъдуллаеев иш устида.

МЕТРОНИНГ «В. И. Ленин номли майдон» бекатидан чиқаверишдаги бу файзли хиёбон доимо одамнинг баҳридилини очади. Унга чирой бағишлаётган, ўзининг камтарона меҳнати билан кўпчиликни хушнуд этаётган боғбондар ким ўзи? Булар ота-бола Зокир ва Файзулло Саъдуллаевлардир. Зокир ота ҳозир пенсияда, 68 баҳорни қаршилаган. Аммо шундай бўлса ҳам сира тиниб-тинчимайди. Эрта-ю кеч хиёбондаги дарахтларга қараш, уларни парвариш қилиш билан банд бўлади. Шунинг учун ҳам бу ер ҳар томонлама намунали хиёбонга айланган. Зокир ота ўғли Файзуллони ҳам ёнига олди. Шу ерга ишга олиб келди. Ўғли ҳозир отасининг изидан бориб, у билан бирга майдонни обод қилишда қатнашмоқда. Отанинг оғирини енгил қилиб келмоқда.

— Бундан уч-тўрт йил олдин хиёбонда фақат манзарали дарахтлар бор эди, холос, — дейди кекса боғбон Зокир ота Саъдуллаев. — Ота-бола мевали дарахтни кўпайтиришга қарор қилдик. Ҳозир бу ерда 35 туп олма, 17 туп шафтоли, 7 туп ёнғоқ, 3 туп ўрик бор. Ёнғоқдан ташқари ҳамма дарахтлар ўтган йили ҳосил берди.

Бор-йўғи Ҳиндистондан олиб келинган бир тупгина сирень дарахти бор эди. Унинг парваришига Зокир ота алоҳида эътибор берди. Ҳозир бу нодир дарахтнинг сони хиёбонда 30 тупга етиб қолди. Бу дарахтнинг гули майда, пушти рангли бўлиб, эрта баҳордан то кеч кузгача атрофни безаб туради. Шу кунларда хиёбонда иш қизғин. Ота-бола боғбонлар баҳорги ишларни пухта олиб боришмоқда. Кўкаламзорлаштириш икки ойлигида фаол иштирок этишяпти. Зокир ота билан гаплашиб туриб бир нарсанинг гувоҳи бўлдик. Шу атрофдан ўтиб кетаётган каттаю-кичик хотиржам кета олмади. Зокир отага салом бериб, ундан ҳол-аҳволини сўради. Бунинг боисини ҳис этиш қийин эмас. Меҳнат кишига ана шундай шуҳрат келтиради, умрини безайди, обрў-эътиборли қилади.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

Жанггоҳ яшармоқда

ЖАНГГОҲ (ҳозирги Пушкин номли боғ) аллақдан тошкентликларнинг севимли маскани ҳисобланган. Бир пайтлар бу ерда полвонлар кураши, дорбозлик томошалари ва аския баҳслари ўтказиларди. Боғ ўртасидан ўтган зилол сув атрофида каравотлар бўлиб, одам аримас, беданаларнинг маст қилувчи хонишлари тинмасди. Кейинчалик «Чорсу» метро бекати қурилиши муносабати билан Пушкин номли Маданият ва истироҳат боғининг анчагина қисми ташландиқ жойга айланган эди. Мана, «Чор-су» бекати ҳам ишга тушди. Бу ёғи баҳор. Ғанимат кунларни бой бермай кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юборадиган дамлар. Дарҳақиқат, айни пайтда боғда ободонлаштириш, қайта таъмирлаш ишлари қизғин олиб бориляпти. Бу юмушни асосан 1-ремонт-қурилиш бошқармасининг Шомаҳмуд Ҳасанов бошлиқ комплекс бригада аъзолари олиб боришмоқда. Бригада меҳнаткашлари кўчат ўтказишдан тортиб, барча ишларни ўзлари бажаришаяпти.

Улар шу кунгача 1300 туп безакли арча, 300 туп ҳаворанг арча экишди. Булардан ташқари, ариқ шохобчаларн тузатилди. Кўк майса билан қопланган майдончалар ташкил қилинди. Метро қурилишида йиғилиб қолган чиқиндилар олиб кетилди. Ободонлаштирувчилардан Ш. Шоқамбаров, Р. Шоюсупов, З. Абдураҳмонов, М. Гадоев ва И. Шоқамбаровлар боғни тез орада тартибга келтиришга ва ҳамшаҳарларимизга ҳордиқ чиқаришлари учун фойдаланишга эртароқ тахт қилишга ҳаракат қилишаётир.

Р. АБДУЛХАЕВ.

ЭРКИН ТУШИШ СОҲАСИДА РЕКОРД

Катта баландликдан туриб ўзини самолётдан ташлаган киши қандай тезлик билан ерга тушиши мумкин! Бугунги кунда ушбу соҳадаги рекорд соатига 503, 64 километрга тенг. Бруно Гувн яқинда ана шундай тезликка эришди. Бунинг учун унга самолётда 11 минг метр баландликка кўтарилишга, энг паст ҳароратлар учун мўлжалланган костюмни кийишга (чунки ана шу баландликда Цельсий бўйича 63 даража совуқ қайд этилган), кислородли ниқобдан фойдаланишга, қўлларини чуқур чўнтакларига тиқиб, бошқа ва елкасини ҳимоя мосламаси билан муҳофаза этиб сакрашга тўғри келди.

СУРАТДА: Бруно Гувн машқ пайтида 8 минг метр баландликдан сакраш вақтида.

ТАСС сурати.

Шарҳчи сатрлари

УЗОҚ ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ

Японларда, олисдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, деган нақл бор. Японларга ким яқин қўшни эканлигини биз мактабданоқ биламиз. Буни Японияда ҳам билишади. Хоккайдо оролидаги Немуро шаҳрига ҳар куни анча-мунча одам келади. Бу шаҳарда турли дурбинлар ўрнатилган. Дарҳақиқат, Носаппу кўрфазидан дурбинсиз қарасангиз ҳам рус қайиқлари ўсиб турган ва рус удумига кўра қурилган — уй-жойлари бўлган бир парча ерга кўзингиз тушади. Гўё қўл узатсангиз ана шу ерларга етадигандек. Аммо, ҳар қалай, икки буюк давлат ўртасидаги ана шу сув ҳозиргача ҳам уларни бирлаштирмаяпти, аксинча ажратиб турибди. 26 февраль куни биз кунчиқар томондаги мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 65 йиллигини нишонладик. Узоқ Шарқдаги қўшнимиз билан дурустроқ яшадикми, дурустроқ яшаяпмизми, бошқачароқ яшаш учун нималар қилиш керак? Ўша 65 йиллик муносабати билан шу ҳақда ўйлаб кўрсак арзийди.

Биринчидан, биргаликда яшаш тарихимиздан хайрли саҳифаларни излаб топиш ниҳоятда мушкул, фожиали ва қонли саҳифалар эса жуда кўп. Ҳозиргача ҳам биз Япония билан «яраш» деб аталмиш бир ҳолатда қўшничилик қилиб турибмиз. Ҳолбуки, бундан 45 йил муқаддам ҳам замбараклар овози тинган эди. Капиталистик мамлакатлар орасида савдо шерикларимиз ўртасида Узоқ Шарқдаги қўшнимиз шу яқин орадаги бешинчи ўриндан учинчи ўринга кўтарилганига ҳам қувонмаса бўлади. Япония ташқи савдосида бизнинг улушимиз шармандали даражада жуда кам бўлиб, бир фоиздан сал ортиқдир. Японлар совет ороллари кўриниб турадиган Носаппу кўрфазига зиёратга келишаётганидан ҳам ийиб кетмаслигимиз керак. Аксарият японлар совет оролларини ўзларинники, деб ҳисоблашади. Ҳалиги кўрфазга келишларининг боиси шундаки, улар совет ороллари кунчиқар томондаги мамлакат байроғини яна тикишга азму-қарор берганликларини намойиш этишмоқда.

Аввало, сталинча дипломатия 1951 йилда Япония билан Сан-Франциско тинчлик шартномаси тузишдан такаббурлик билан воз кечган эди. Ваҳоланки, қўлга қалам олиб имзо чекишгина қолган эди, ҳолос. Шундан кейин эса маъмуриятчилик, буйруқбозлик системаси қўшнимиз экономикасининг олдинги марраларини забт этганлигини ҳомуза тортиб ўтириб, сезмай қолдик. Шундан кейин эса кўп вақт мобайнида ўша система савдо қилсакмикан, қилмасакмикан, деб узоқ вақт кутиб турди, буни қарангки, гўё хом ашёга маҳтал бўлиб турган Япония мўмин-қобилроқ бўлиб қолиши керак экан. «Нуфузли доираларга яқин турган» матбуотда эса мамлакатимиз ерига туташиб кетадиган денгизларда овланадиган балиқдан, денгиз карамидан қайсар японларни маҳрум этиш керак, деган шамалар вақти-вақти билан айтилиб турди. Ҳозир маълум бўлиб қолдики, японларни ҳеч нарса билан қўрқитиб бўлмайди. Япониядаги савдо-саноат доиралари хом ашё ва энергетика ресурсларини энг кам сарфлаб, илм-фан ютуқларидан кўпроқ фойдаланиладиган тармоқларга узил-кесил асосланиб ишламоқдалар. Эндиликда балиқчилик японларнинг миллий иқтисодиётида юқори ўринни эгалламай қўйди; бунинг устига улар бутун жаҳон океанидан ўз насибаларини йиғиштириб олмоқдалар.

Аммо, ҳар қалай, тазйиқ учун дастурлар йўқлиги ҳам яхшига ўхшаб қолди, чоғи. Бу дастакларсиз умуман халқаро сиёсатда ва хусусан ер юзидаги иккинчи қудратли иқтисодий давлат билан муносабатларда яхши восита эмас. Япония бозорида сотилиши мумкин бўлган моллар бизда, ҳар қалай бор. Бундай моллларни сотмоқчи бўлганлар анча кўпайиб қолди. Булар орасида давлат бирлашмалари, кооперативлар, акционерлик корхоналари ва қўшма корхоналар бор. Японларга илгари ёғоч-тахта, нефть, кўмир ва балиқ тавсия этар эдик, ҳозир эса улар қаторида мукаммал компьютер программалари, электроника, медицина соҳасидаги ишланмаларни ҳам тавсия этмоқдамиз. Япония аҳли ўртасида ҳам бизга нисбатан қизиқиш кучли. Бунинг устига «Янги саноат мамлакатларидан чиққан рақобатчилар ҳам ўзларига инсонпарварлик соҳаларидаги мулоқотда силжишлар содир бўлди. Япония раҳбарлари, Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилашга катта аҳамият беряпмиз, биз мувозанатли тараққиёт тарафдоримиз, демоқдалар. Тинчлик шартномасини ишлаб чиқиш юзасидан икки томонлама ишчи группа маҳсулари бўлиб турибди. Япониядаги ҳукмрон либерал-демократик партия раҳбарларидан бири Сентаро Абэ яқинда Москвага саккиз банддан иборат программани олиб келди. Бу ҳужжатга кўра, турли соҳаларда ўзаро алоқаларни кенгайтириш назарда тутилган. Б. Н. Ельцин ер муаммосини астасекин ҳал этиш тўғрисидаги таклифларни баён этганида японлар уни катта эътибор билан тингладилар.

Сўнгги ойларда жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шундан далолат бериб турибдики, СССРга ва унинг ташқи сиёсатига ишонадиган кишилар японлар орасида жуда кўпайиб боряпти. Лекин, ростини айтадиган бўлсак, бундай фикрдаги кишилар ҳали кўпчиликни ташкил этмайди. Япония аҳли халқ дипломатиясига катта умид боғламоқда. Совет кишиларига Японияда кимнинг меҳри кўпроқ тушганлигини биласизми. Булар Квантун армиясининг асирга тушган аскарлари ва офицерларидир. Бу асирларга Сибирь ва Узоқ Шарқдаги сталинча лагерлар жаннатмакон масканлар бўлиб кўринди-миқин? Дарвоқе ҳарбий асирлар «халқ душманларига» нисбатан бирмунча тузукроқ шароитда яшаган эдилар. Бунинг сабаби бўлак: бу одамлар кўнглимиз очиқ, яхши одам эканлигимизни бизни кўриб-билиб, таниб олишганидан кейин сезиб қолишди. Одамларнинг ҳужжатларсиз мулоқоти ҳозир кўп эмас. Аммо бундай мулоқот ҳамиша яқин бўлса ҳам лекин ҳозирча узоқ бу қўшнимиз билан тобора кенгайиб бораверади.

Владимир САПРОНОВ.
(ТАСС).

ЭЛГА МАНЗУР

⊙ ЎРТА Осиё темир йўл бошқармасининг йўловчиларига хизмат кўрсатиш бўлими илғор проводниги Ҳикмат ака Маҳмудовнинг бу ерда ишлаётганига 20 йилдан ошди. Ҳикмат ака бу давр ичида 300 мингдан ортиқ йўловчига намунали хизмат кўрсатиб, 2 миллион километрдан ортиқ темир изларни босиб ўтди.

— Ҳикмат ака Маҳмудовнинг хизматлари доимо йўловчиларга манзур бўлмоқда, — дейди 92-рейс бригадири Ҳожимурод Тошбоев. — Бу давр ичида бирон марта камчиликка йўл қўймади. Унинг вагонида ҳамиша чойлар қайнаган, вагон саранжом ва сариштa бўлади.

Ҳа, Тошкентдан Нукусга йўл олган ҳар бир йўловчи тезюрар поезднинг 92-рейсига чиқиб, 13-вагонга ўтса, холис хизматни юракдан ҳис қилади.

А. ЭРГАШЕВ.

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

⊙ СИНГЛИМНИ Андижонга кузатиш мақсадида Тошкент аэропортининг маҳаллий ҳаво йўллари линиясига борган эдим. У ерда бир талаба қариндошимни учратиб қолдим. Унинг докадек оқариб кетган ранги мени ташвишга солди. Қўлида телеграмма. Унда «Синглинг тўсатдан вафот этди. Тез етиб кел» деган сўзлар ёзилган экан. Кетиш учун олган билетига аниқ рейс қўйилмаганлиги туфайли танишим тонг саҳардан буён анча озор чекибди. Унга раҳмим келиб кетди. Аввало ҳеч кимнинг бошига бундай мусибат тушмасин. Тушганда эса одам бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши, ҳамдард бўлиши керак. Билет билан телеграммани олиб регистрация қилаётган аёлнинг олдига келдим. Навбатдаги рейс билан танишимни учириб юборишини илтимос қилдим. У бўлса телеграммага ҳам қарамасдан билетни отиб юборди. «Жой бўлса учасан» деб бизга қўпол муомала қилди. Тўғри, кўпчилик билан ишлайдиган, муомала қиладиган одамнинг асаби тез бузилади. Аммо кўпчиликни қабул қилиб кузатиб қолувчи бу соҳа хизматчиларининг шу қадар қўпол бўлишларига зарурат бормикан? Ахир улар хушмуомала, маданиятли бўлишлари керак-ку!

О. НОДИРОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта инспектори.

ЎН ОЛТИ ЙИЛЛИК НАВБАТ

⊙ ОДДИЙ бир тошкентлик фуқаро-ман. Давлат корхонасида хизматчи сифатида меҳнат қилаётганимга 35 йил бўляпти. Аёлим билан саккиз ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказдик. Кўплари турмуш кўрган, ўғилларимдан бири ҳарбий хизматда. Ҳозир битта ҳовлида икки келиним, невараларим билан жами 14 киши яшаймиз. Турар жой танқислигини қўяверинг, аммо оддий телефон можаросининг кун сайин авж олаётганига нима дейсиз? 1974 йилнинг ёзида телефон ўрнатишларини сўраб ариза топширган эдим. Буни қаранг, орадан кам эмас, нақ 16 йил ўтибди. Ариза берган йилим туғилган чақалоқ ҳозир айни камолот ёшига етган. Аммо ҳалигача телефондан дарак йўқ. 1980 йили С. Раҳимов район телефон узелига хабар олгани борганимда «1990 йилдан илгари телефон олишга овора бўлиб юрманг», дейишганди. Мана, 1990 йил ҳам келди. Энди Собир Раҳимов район телефон узелидагилар яқин орада навбат келиши қийин дейишмоқда. Ҳайронман, яна қанча йил тоқат қилишга.

Н. ҚУДРАТИЛЛАЕВ,
С. Раҳимов районидаги А. Ҳидоятов кўчаси, 47-уйда яшовчи.

ҚУРУҚ САВЛАТ

⊙ БИР пайтлар «Самарқанд дарвоза» мавзеида СССР жамғармалар банкининг Октябрь районига қарашли 3627/255-рақамли омонат кассанинг филиали бор эди. Вақт ўтиши билан филиал жойлашган бино эскириб, авария ҳолатига келиб қолди. Шунинг учун ҳам уни бошқа ерга кўчириш мувофиқ деб топилди. «Захариқ бекати» ёнидаги бино омонат кассаси учун бўшатиб берилди. Буни қарангки, янги жойда аҳвол бирмунча яхшиланади деган фикрга борилган эди. Аммо аксинча бўлди. Омонат кассанинг хизматидан барибир аҳоли қониқиш ҳосил қилмади. Негаки, янги жой ҳам эскисидан фарқ қилмас экан. Унинг ночор аҳволи киши кўнглига ғашлик солади. Бу ерга келганлар сира ҳам унда касса жойлашган деган фикрга бормайдилар. Ёғингарчилик туфайли бинонинг шифтидан чакка ўтавериб ҳаммаёқни расво қилиб юборган. Вақтида томнинг носоз жойини ўнглаб қўйиш бировнинг хаёлига келмаган, ҳозир ҳам шундай. Бинодаги шароит билан ҳеч ким қизиқмаяпти. Ахир тўрт ойлик муддат қисқа вақт эмас, касса эса шунча пайтдан бери хизмат кўрсатмаяпти. Маҳалла аҳли, кассага иши тушиб турувчилар сарсон бўлиб қолмоқдалар. Бошқа ерга қатнашга, вақт кетказишга мажбур бўлишаяпти. Бинонинг қуруқ савлати кимга керак?

Ҳ. ЮНУСОВ,
хизматчи.

ВАЪДАДАН НАРИГА ЎТИШМАЯПТИ

⊙ ЧИЛОНЗОР районининг Дўмбиробод маҳалласида 4-интернат мактаби бор. Унда 200 — 250 ўқувчи ўқийди. Илм даргоҳини ўқувчиларнинг турар жойи билан боғловчи кўчанинг номи «Саноат» деб аталади. Бу кўчада кечалари симёғочга қўйилган лампочкалар бир кун ёнса, 2—3 кунлаб ўчиқ бўлади. Бу тўғрида Чилонзор район ёритиш бўлимига бир неча бор телефон қилдик. Аммо 76-36-63 телефондагилар дастакни кўпинча кўтаришмайди, жавоб қилишмайди. Шундан сўнг шаҳар ёритиш идорасига телефон қиламиз, у ердагилар «Шу куни ёниб қолади», деб бизни хотиржам қилишади. Бу ҳодиса айтарли ҳар 2—3 кунда қайтарилади. Кечаси кўчаларимиз қоронғи бўлади, қиз, ўғилларимиз ишдан қайтишда уйга хотиржам кела олишмайди. Ёритиш идорасидагилар эса ёрдам берамиз дейишдан нарига ўтишмаяпти.

НАЗАРМАТОВлар оиласи.

АҲВОЛ ЎЗГАРМАДИ

⊙ БУ маршрутдаги автобус хизматидан аҳоли жиддий ранжимоқда. Илгари ҳам бир неча марта автопарк раҳбарларига шикоят қилинган, матбуотда танқид қилинган эди. Лекин аҳвол яхши томонга ўзгаргани йўқ. Ваҳоланки 44-автобус маршрутидан минг-минг аҳоли, Ўрта Осиё педиатрия институти ўқитувчилари ва талабалари, врачлар малакасини ошириш дарғоҳи тингловчилари ва 3-шаҳар шифохонаси ишчи-хизматчилари фойдаланишади. Автобус қатнови қониқарсизлиги туфайли ишга кечикиш ҳоллари рўй бермоқда.

Маълумки, соат 8—10 ларда бекатлардаги кўрсаткичларда ҳаракат интервали ҳар 9 — 11 минутдан белгиланган. Бунга мазкур маршрут ҳеч қачон амал қилмайди. Ваҳоланки, Ўрта Осиё педиатрия институтида дарслар соат 8 дан 20 минут ўтганда, 3-шаҳар шифохонасида эса соат 8 яримда бошланади. Айни одамлар эрталаб ишга шошилган пайт мазкур автобусни кутиб асаблари таранг бўлиб ишга келишади. Агар таъбир жоиз бўлса, транспорт қатновини яхшиламоқ учун бизда бир таклиф бор. 44-автобусга ёрдам тариқасида 51-маршрутдаги автобусни Шаҳристон кўчаси орқали 3-шаҳар шифохонаси ёнидан ўтказилса, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлар эди.

Биз маҳалла аҳли ва тиббиёт ходимлари сизлардан 44-автобус маршрутида тартиб ўрнатишда ёрдам беришингизни сўраймиз. Шаҳар транспорти раҳбарлари бизлар киритган таклифни маъқуллаб 51-маршрутдаги автобусларни Шаҳристон кўчаси бўйлаб 3-шаҳар шифохонаси бекатида тўхтаб, ҳаракатни ўз маршрути бўйлаб давом эттирса жуда катта савоб иш қилинган бўларди.

Р. ТУРДИЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

АЙТАЙ ДЕСАМ ТИЛИМ...

⊙ УЧ нафар фарзандим бор. Ҳаммаси ҳали ёш. Уларнинг ҳовлида ўйнашидан қўрқаман. Чунки кўчанинг сувлари ҳовлимизга оқиб тушаверіб, ўпқондек ҳовузча пайдо бўлган. Болаларим шу ҳовузга тушиб кетса-я деган хавотирдаман. Уйимиз ҳоналари захланиб, авария ҳолатига келиб қолган. Ўтган йили райижроқўм қошидаги комиссияга мурожаат қилган эдим. Тўрт-беш киши бўлиб келишди-да ҳовузни кўриб, тупроқ тортиб қўйишни маслаҳат беришди. Уйим эса ҳозир қулаш арафасида. Ёғингарчилик бўлса юрагимни ҳовучлайман, ер силкинса уйим қулаб тушмадимикан деб ишимдан жавоб сўраб келаман.

Октябрь районининг мутасадди ходимлари бизнинг ҳам борлигимизни билишармикан?

Д. ҚОРАБОЕВА,
Қоратош кўчасининг Многогорний боши берк кўчаси, 3-уйда яшовчи.

Советлар мамлакатида

⊙ ЛЕНИНГРАД. Ленинград областидаги «Виборжец» совхозининг сабзавоткорлари теплицаларда табиат имкониятларини технологик янгиликлар билан тўлдириб, қишнинг заиф куёши нурларидан фойдаландилар. Украиналик агрофизикларнинг лойиҳаси билан бу ерда илгари қозонхоналарнинг мўриларидан ҳавога чиқариб юборилган тутунни ҳосил учун «ишлаш»га мажбур қилдилар. Энди бу тутун оқими тозаланиб, сараланганидан кейин карбонат ангидрид гази ўсимликлар озиқланиши учун қўшимча модда сифатида теплицаларга йўналтирилаяпти. Коллектив микроқлимни компьютер ёрдамида бошқариш тажрибасини жорий этди ва синовдан ўтказди. ЭҲМнинг буйруқлари билан ўсимликлар учун тайёрланган озуқа аралашмалари нитрат ва нитрит моддалари билан ҳаддан зиёд тўйинишга йўл қўймайдиган қилиб теплицаларга йўлланади. «Виборжец» бу йили қарийб ўн минг тонна эртаги сабзавот сотади.

⊙ МОСКВА. Пойтахтдаги «Керамика» бирлашмасининг мутахассислари қадимги усталарнинг ҳозир унутилиб кетган маҳорат сирларини очдилар. Улар тайёрлай бошлаган маҳсулот ўзининг мустаҳкамлиги ва чиройи билан кўҳна меъморчиликнинг кўпгина ёдгорликларини безаб турган кошинлардан қолишмайди. «Волна», «Пряник», «Кирпичик» ва бошқача номлар билан аталган кошинлардан Москвадаги «Измайлово», «Заря», «Останкино», «Будапешт» туристик-меҳмонхона марказларини безатишда фойдаланилди. Корхона ҳар ойда 120 мингта кошин ишлаб чиқараяпти. Юксак бадиийликка эга бўлган «Зеркальце» ва «Павлин» номли янги хил кошинлар тайёрлашни ўзлаштириш тугалланаяпти.

⊙ ТАЛЛИНН. Эстониянинг Йигева районидаги «Паюзи» колхозида соғин сигирларни картошка шарбати билан сийлашаяпти. Бу, мунтазам равишда кўп миқдорда сут соғиб олиш имконини бераяпти. Колхоз крахмал заводидан фермага ҳар куни 40 тонна «ичимлик» жўнатаяпти, яна 20 тоннасини қўшни хўжаликка сотаяпти. Хўжаликда картошкадан крахмал олинаётганида хом ашёнинг 40 фоизга яқини чиқитга чиқиб кетаяпти. Одатда пульпа ва картошка шарбати тўкиб юборилар эди. Колхоз мутахассислари бу чиқиндиларга иссиқлик ёрдамида шундай ишлов беришни ўрганиб олишдики, энди уни мол жуда яхши емоқда. Илгари шу чиқиндилар туфайли табиатга етказилган зарар учун катта жарималар тўлашга тўғри келарди. Энди улар мол-ҳол учун йилига минглаб тонна қўшимча ем бераяпти. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бутун республикада қайта ишланаётган картошка чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобига 4,2 миллиондан зиёд озуқа бирлиги олиш мумкин бўларди.

⊙ ВОЛГОГРАД. Болаликда Сталинград учун бўлган даҳшатли жанг кунларини бошидан кечирган 1200 нафардан ортиқ ветеран мамлакатнинг ҳамма томонидан бу ерга келди. Волга бўйидаги шаҳарда уларнинг биринчи слёти бўлиб ўтди. В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Волгоград бўлими ҳузурида уруш давридаги болалар кенгашини тузишга қарор қилинди. Бу кенгаш фаолиятининг асосий мақсади — ветеранлар, етим болалар, болалар уйлари ва интернатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат.

⊙ МОСКВА. Совет ва Америка жамоатчилигининг яқинда бўлиб ўтган иккинчи учрашувида «Казаклар давраси» фольклор ансамблининг чиқиши таниқли америкалик рассом Рой Жонсонни қизиқтириб қолди. Собиқ чўпон, собиқ армия руҳонийси, Вьетнамдаги уруш вақтида уч марта яралар бўлган ҳарбий врач ҳозир тинчликни тарғиб қилиш билан фаол шуғулланмоқда. 1991 йилда Москвада Жонсоннинг «Тинчлик қиёфалари» кўргазмаси бўлиб ўтади. Рассом билан бирга Москвага унинг эски дўстлари — Вайоминг штати чўпонлари ҳам келади, деб келишилган. Сўнгра кўргазманинг бир қисми билан америкаликлар Кубань ва Шимолий Кавказга йўл олдилар, у ерда казаклар ва тоғликлар билан учрашадилар.

СУРАТДА: собиқ чўпон ҳозир эса рассом Рой Жонсон ўз тулпори билан.

А. Жигайлов (ТАСС) сурати.

Анъаналар— халқ мулки

«НАВРЎЗ» БАЙРАМИДА ХИЗМАТДА БЎЛИШАДИ

...ВА НИҲОЯТ ўзбек халқи тарихининг «темир сандиғи»га тушиб кетган «Наврўз» — янгилик, уйғониш байрами яна ўзининг «олтин тахти»га чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳалқимизнинг истак ва хоҳишини инобатга олиб, шу йилнинг 21 март куни жумҳурият-тимизнинг барча жойларида қадимги халқ байрамини ўтказишга қарор қилди. Унга барча меҳнат аҳли зўр қувонч билан тараддуд кўрмоқда. Хўш, азим шаҳримиз Тошкентда бу тантанага қандай ҳозирлик кўрилмоқда! Умумий овқатланиш Бош бошқармасининг ходимлари байрам қатнашчиларига қандай хизмат кўрсатишади! Шундай савол билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ҳ. ЗОИРОВга мурожаат қилдик.

— Жуда ҳам хайрли ишга қўл урилди, — дейди Қобилжон Ҳамидович. — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, хусусан Идеология комиссиясининг халқимиз маросимлари, анъаналари, урф-одатлари, байрамлари борасидаги амалий тадбирлари кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса халқ билан бамаслаҳат иш олиб боришнинг яна бир ёрқин намунасига айланди. Чунончи, «Наврўз» байрамининг тикланиши ва 21 март куни-нинг дам олиш куни деб эълон қилиниши билан халқимизнинг узоқ йиллар мобайнида эришолмай келган орзуси амалга ошадиган бўлди.

— Тўғри, «Наврўз» ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Чунки у азалдан ўзбек халқининг умумбашарий, умрбоқий эзгуликларини тарғиб қилувчи халқ байрами, яъни бобомиз Абу Райҳон Беруний таъкидлаб ўтганларидек, Янги йилнинг биринчи куни бўлиб келган. Албатта, шундай байрамга тайгарлик ҳам ўзгача бўлса керак!

— Албатта, ҳеч бир байрам дастурхонини ноз-неъматларсиз тасаввур этиш қийин. Шу боисдан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқдик. Бу тадбирларни амалга оширишда шаҳардаги барча районларнинг умумий овқатланиш трестлари, Тошкент ресторанлар трести ва қатор-қатор ташкилотлар хизматда бўладилар. Жойларни тартибга келтириш ва ҳозирлаш, безатиш, ободонлаштириш ишларини 15 мартгача ниҳоясига етказишни мўлжаллаганмиз. Барча ошхоналар ва чойхоналар, тадбирлар ўтказиладиган, сайр қиладиган жойлар миллий услубларда безатилади.

— Байрам дастурхонига нималар тортиладн!

— Ҳар бир районнинг ошхоналар трести 100 ўринли чойхоналарни тайёрлайди. Бу ерда миллий пиширикдар, қандолат маҳсулотлари, 10 хилга яқин миллий нонлар, бинан маза қилиб кўк чой, қора чой, мурч-ли, ялпизли, райҳонли чойлар ичишингиз мумкин. Шунингдек, ошпазлик, қандолатчилик, миллий пиширикдар, хамир маҳсулотлари, турли хил тортлар, ранг-баранг мазали ва тўйимли овқатлар савдоси ташкил қилинади.

— «Наврўз»нн сумалак ва ҳалимсиз тасаввур этиш қийин...

— Гапингизга тушундим. Албатта, махсус ажратилган уста ошпазларимиз учтадан қозонда ҳалим билан сумалак пиширишади. Жойларда биргина ҳалим ва сумалак билан чегараланиб қолмаймиз. Балки ўзбек таомларининг султони бўлмиш ошнинг бир неча хил турларини, масалан думба палов, шодибек палов, товуқ палов, хоразмча палов, ошқовоқ ва қовурма палов, ловияли ва беҳили палов, андижонча палов, самарқандча палов, нўхатли палов, саримсоқ палов, беҳили палов, қозоқча палов, майиз палов каби паловларни тановул қилиш мумкин.

— Сумалак ва ҳалим истеъмол қиладиган жойлар қандай безатиладн!

— Бўлмасам-чи. Сайр қилувчилар, меҳмонлар учун барча шароитлар муҳайё этилади. Каравотлар миллий руҳда безатилади. Палослар устидаги хонтахталарга оппоқ дастурхонлар тузалади. Беқасам кўрпачалар солинади. Ҳар бир каравотга дутор ва дойралар, қўйишни мўлжаллаяпмиз. Иштиёқманд ҳаваскорлар куй-қўшиқлар ижро этишлари, ўйин ва рақсга тушишлари мумкин. Каравотларнинг пештоқларига осилган тўрқовоқдаги беданалар сайраб туради. Хуллас, карнай-сурнай садолари остида миришкор ҳордиқ чиқариш мумкин. Миллий яктак ва тўн кийган хизматчилар халқ хизматида бўладн.

— Шу куни пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдони ҳам ўзгача либос билан бурканса керак...

— Албатта. Бу ерда Тошкент ресторанлар трести ва Чилонзор ошхоналар трести байрам иштирокчиларининг хизматида бўлади. Бу ерда ҳам ҳалим, сумалак, палов тайёрланади. 15 га яқин столларда миллий маҳсулотлар савдоси уюштирилади. Чойхона эса чойхўрлар хизматида бўлади. Шунингдек, бу ерда имконияти борича шаҳримизда истиқомат қилувчи бошқа халқларнинг ҳам миллий таомларини тайёрлашга ҳаракат қиламиз.

— Шаҳар марказидаги байрам тантаналари районларга, сўнг маҳаллаларга уланиб кетадиму!..

— Районларнинг барча пиёдалар юрадиган кўчаларида, яъни марказларида «Наврўз» байрамини ўтказиш ташкил қилинади. Жумладан, Фрунзе районидаги Тўқимачилар маданият саройи майдонида, Октябрь районидаги Шоирлар хиёбонида, Ҳамза районидаги Янгиобод даҳасининг «Наврўз» чойхонаси олдида, Куйбишев районининг «Саёҳат» меҳмонхонаси олдида, Ленин районидаги М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида, Киров районидаги «Орзу» қаҳвахонаси олдидаги майдонда, Собир Раҳимов районининг Талабалар шаҳарчасида, Акмал Икромов районининг Зиё Саид кўчасида «Наврўз» байрамлари ўтказилади. Бу байрам маҳалла комитетлари белгилаган жойларда ҳам давом этади. Маҳалла комитетларининг «Наврўз» байрамини маҳаллаларда ўтказишга ёрдам бериш бўйича илтимослари қондирилди. Маҳаллаларда ҳам умумий овқатланиш корхоналари, савдо шохобчалари хизмат кўрсатади.

Хуллас, «Наврўз»нинг файзли, ҳамманинг эсида бир умрга сақланиб қоладиган байрамга айланиши учун бошқармамиз хизматчилари қўлларидан келган барча ишларни қиладилар.

Суҳбатдош
Тўхтамурод ТОШЕВ.

⊙ Кўплаб ҳамшаҳарларимиз «Наврўз» байрамини ўтказиш ва ана шу тантаналарда ўзбек халқи қадим замонлардан бери давом эттирган тансиқ ва шифобахш таомлар — сумалак ва ҳалим тайёрлаш тўғрисида ҳам маълумотлар беришимизни сўрашган. Бизнингча, юқоридаги суҳбатда муштарийларимизнинг кўпгина саволларига жавоб бериб ўтдик. Лекин ҳалим ва сумалак тайёрлаш бўйича уларга қуйидаги жараённи тавсия этмоқчимиз.

СУМАЛАК

СУМАЛАК тайёрлаш учун жайдари ва қайроқи буғдой керак бўлади. Донни совуқ сувга ювгач, идишга солиб уч кун ивитиб қўйилади. Уч кунда буғдой бўртади ва ниш уради, сўнгра тоза тахта устига бир энлик қалинликда ёйилади, қуёш нури тушмайдиган жойга қўйилади, уч-тўрт кун давомида ҳар куни бир маҳал сув севалаб турилса, майсаси униб чиқади ва томир олади. Майса нина бўйича бўлганда етилган ҳисобланади. Бўлакларга бўлиб, гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Ҳосил бўлган қоришмага бироз сув қўйиб аралаштириб, докадан ўтказилади. Массага яна икки марта сув қўйиб сузиб олинади. Қозонда ёғ доғланиб, бироз совутилади, кейин ёғга ун ва биринчи сузиб олинган шарбати қўйиб аралаштирилади. Қумоқлари йўқолгач, иккинчи сузилган шарбат қўшиб қайнатилади. Қайнаб чиққач, учинчи сузилган шарбатга қўшилади.

Сумалак қайнаб қуюқ торта бошлаганда кавлаб турилади. Тагига олмаслиги учун ёнғоқдек-ёнғоқдек силлиқ тошчаларни ювиб қозонга ташланади. Сумалак тахминан 10-12 соат қайнайди. Агар қуюқ тортиб кетса, бироз қайноқ сув қуйиб то пишгунча қайнатилади, сўнгра олови тортиб олинади ва қозонга тоғора тўнтариб, эрталабгача димлаб қўйилади. Мисол учун бир килограмм буғдойга 2 килограмм ун, 1 килограмм ёғ солиш мумкин.

ҲАЛИМ

ҚАЙРОҚИ буғдой ўғирда сув солиб обдон туйилади. Сўнгра қипиғи элаб ташланади ва яна келига солиб, донн майдалангунча туйилади ва ғалвирдан ўтказилади. Буғдой беш-олти соат олдин қайноқ сувга бўктириб қўйилади. Ёғи доғланиб, мол гўшти қовурилади, сўнгра қозонга буғдой солиб устидан сув қуйилади, бир ярим-икки соат милдиратиб қайнатилади. Сўнгра устини ёпиб, беш-олти соат димлаб қўйилади. Пиширилган ҳалимнинг буғдойи эзилган, гўшти эса хил-хил бўлиб кетади. Мисол учун 1 килограмм буғдойга 600 грамм гўшт, 400 грамм ёғ, туз ва бир чимдим долчин солиш мумкин.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«УЙ УЗОҚ ЭМИШ»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 6 январь сонида ана шундай сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда обуначиларга турли хил баҳоналарни рўкач қилиб газета-журналларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари тилга олиб ўтилган эди.

Редакция Октябрь район алоқа узели бошлиғи И. Жўраев имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Текширишда шу нарса маълум бўлдики, «Уй узоқ эмиш» мақоласида келтирилган фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам асосий хат ташувчининг бетоблиги натижасида обуначиларга газета-журналлар етказиб берилмаган. Мазкур участкага бошқа хат ташувчилар газета-журналларни олиб бориб беришган.

19-алоқа бўлими ходимларининг шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида бинони алмаштириб бериш юзасидан чоратадбирлар кўрилди.

Ҳозирги пайтда обуна нашрларини ўз вақтида етказиб бериш иши тартибга солинди. Октябрь район алоқа узели газета-журнални ўз вақтида ололмаган обуначилардан узр сўрайди. Агар яна шундай ҳол такрорланса 42-59-83 телефонига тортинмасдан қўнғироқ қилинг».

«КАЙФИЯТНИ БУЗАДИГАН ПОЙАБЗАЛ»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 5 февраль сонида ана шу сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари ҳозирги талабларга жавоб бермаётгани аниқ мисоллар билан очиб ташланган эди.

Корхона директорининг сифат бўйича ўринбосари Ш. Юсупов имзоси билан редакция олган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— «Кайфиятни бузадиган пойабзал» мақоласи шу йилнинг 7 февраль куни корхонамиз ишчи-хизматчиларининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди. Ана шундай сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйган цех иши атрофлича таҳлил этилди. Кескин танқид остига олинган бу цех бошлиғи жиддий огоҳлантирилди. Ҳозир сифат кунларида маҳсулотлар сифати қаттиқ муҳокама этилмоқда. Келгусида бундай камчиликларни такрорламаслик тадбирлари белгиланди».

ДАРСЛАР РИМДА ЎТАДИ

Тошкентдаги етти мактабнинг 35 нафар юқори синф ўқувчиси Италияга жўнаб кетди. Улар бир ҳафта мобайнида Римдаги ўз тенгдошларининг оилаларида яшайдилар, улар билан бирга лицейдаги машғулотларга қатнайдилар.

— Сафар валютасиз асосда айирбошлаш тартибида уюштирилди, — дейди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маориф бўлимининг инструктори С. Максимов. — Инглиз ёки итальян тилини билиш, мактаб жамоат турмушида фаол иштирок этиш бу сафарга бориш даъвогарлари олдига қўйилган асосий талаблардан бири бўлди.

Маданият хабарлари

⊙ «Мелодия» овоз ёзиб олиш Бутуниттифоқ фирмасининг Тошкент студиясида биринчи бор Ўзбекистон ва Туркманистон ёш композиторлари асарларидан тузилган дисклар альбоми ёзиб олинди. А. Қулиев, Р. Режепов, Ф. Алимов, Т. Қурбоновларнинг камер ва симфоник куйлари Ўрта Осиёдаги ҳозирги музика санъатининг турли жанрлари ва йўналишларн намунасидир. Дисклярда Ўзбек шашмақомларининг чолғу қисми ҳам бор. Уларни ёзиб олишда Ўзбекистон Телевиденне ва Радио эшиттириш Давлат комитети Мақомчилар ансамбли ҳамда Тошкент Давлат консерваториясининг студентлар ансамбли иштирок этди.

⊙ Самарқанд Тинчлик ва бирдамлик жамоатчилик музейига Халқ музейи деган унвон берилди.

Ҳозир ўн мингдан кўпроқ экспонати бўлган бу музейни бир гуруҳ ғайратли кишилар — ўқитувчилар ва ишчилар, талабалар ва ўқувчилар ташкил этишганди. Музейда 55 мамлакатдан келтирилган ниҳоятда хилма-хил материаллар — китоблар ва плакатлар, газета ва журналлар, пластинкалар, кўкракка тақиладиган нишонлар ва маркалар, видеокассеталар тўпланган. Музей кўплаб жамоат ташкилотлари ва айрим кишилар билан доимий алоқа боғлаб туради. Бундай ҳақиқий халқ дипломатияси сезиларли натижалар бермоқда.

Кейинги вақтда экспонатлар мажмуига колумбиялик ёзувчи ва шоир Энри Луке Муньоснинг шеърлар китоби қўшилди. Ушбу китоб муаллифнинг кўҳна шаҳарга қилган сафари таассуротлари остида пайдо бўлган. Унга «Улугбек» деб ном берилиши ҳам тасодифий эмас. Шоирнинг эътироф этишича, Шарқда яшаган улуғ олимнинг шахси унинг учун юксак маънавий ва инсоният даҳосининг рамзига айланган.

Ҳатто мамлакатимиз дипломатик муносабатлар ўрнатмаган давлатлардаги жамоат ташкилотлари билан ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Яқинда музей номига Исроилдан жўнатма келди. Унн «Исроил—Фаластин тинчлигн учун» кенгашининг котиби Адам Келлер юборган эди. Жўнатма ичида Исроил билан Фаластин ўртасидаги можаронн бартараф этиш кенгаши фаолияти акс этган плакатлар, китоблар, альбомлар бор эди. Женевадаги жуда катта муаммолар ахборот маркази Самарқанд музейи ҳузурида ўз бўлимини очишни таклиф этди. Музей «Тинчлик мулоқотлари» СССР — АҚШ ташкилоти билан ҳам доимий алоқа ўрнатган.

Мамлакатимизнинг кўп шаҳарларидан ҳам музейга хатлар келиб турадн. Одамлар ўз шаҳарларида шундай музейнн қандай ташкил этиш кераклиги билан қизиқадилар. Самарқандликлар жон-жон деб тажрнба алмашмоқдалар — батафсил тавсиялар ва аниқ таклифлар битилган хатларнн жўнатишмоқда. Тинчлик музейи барча хоҳловчиларнн ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Л. ТОҚАРЕВ,
УзТАГ мухбири.



⊙ «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Саломатлик» марказида.

Р. Шарипов сурати.

Шатранж ажойиботлари

Яна биринчи

НАВБАТДАГИ баҳсга кириш олдидан шахмат қироли қаршисида муайян вазифаю муаммо кўндаланг бўлади: «Мавқе деган нарса бор», деган мулоҳазага бормасликнинг иложи йўқ. Аммо Гарри Каспаровда куч ҳам, шижоат ҳам етарли. Муваффақиятсизликдан чўчимайди. Ҳа, ижодкор камчиликдан ҳоли эмас.

Испаниянинг Линарес шаҳрига тўпланган 12 гроссмейстернинг кўпи ёш, бақувват шахматчи эди. Жаҳон чемпиони мусобақани шиддат билан бошлаб, шахмат тахти сари интилаётган англиялик Шорт, москвалик Юсупов, львовлик Иванчукларни маҳв этаркан, «Мени енгишга ҳали ёшлик қиласизлар», дегандек бўлди. Аммо саккизинчи турда минсклик 21 ёшли иқтидорли Борис Гельфанд пешқадамни қулатиб унга етиб олди. Сўнгги учрашувлар арафасида улар 7 тадан очко билан пешқадамликни баҳам кўриб турардилар. Бироқ шу куни Каспаровгина ҳарифи Ильескасни мағлуб этишга мушарраф бўлиб, қолган беш учрашувда битимга келишди. 11 имкониятдан 8 очко жамғарган жаҳон чемпиони яна биринчиликни олди. Б. Гельфанд иккинчи, Валерий Салов учинчи совринга ҳамда жаҳон чемпионининг таҳсинига сазовор бўлдилар.

Узоқ Малайзияда

БУ йил Г. Каспаров ўз унвонини ҳимоя қилиш учун тағин яккама-якка жангга кирмоғи лозим. Низомга кўра қирол биттагина ҳариф талабгорни тан олади. Икки йил давом этган саралаш оқибатида тегирмондан бутун чиққан Анатолий Карпов билан голландиялик машҳур гроссмейстер Ян Тимман бўлди. Тож талабгорларининг ҳал қилувчи баҳси учун узоқ Малайзия тупроғи танланди. Бунинг муайян сабаблари бор, албатта. Ҳарифларнинг ёши тенг — 39 да. Умумий натижани каромат қилиш қийин бўлса-да тарозининг Карпов турган томони салмоқлироқ экани маълум. Бинобарин, мухлислар шу йили Каспаров — Карпов ўртасида бешинчи баҳс шоҳидн бўлсалар ажаб эмас.

Шубҳаларга ўрин қолдирмай

КЕЙИНГИ бир ой республика шахмат клуби айниқса гавжум бўлди: учта йирик мусобақа ўтди. 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилигининг зонал турнирида жумҳуриятимизнинг 14 нафар истеъдодли вакиллари қатнашиб, қизғин курашлар оқибатида 13 имкониятдан нақ 12 (!) очко жамғарган самарқандлик мактаб ўқувчиси Марат Жумаев ғолиб чиқди. Низомга кўра у билан бирга тошкентлик ўқувчи Приходько ҳам Ленинградда ўтказилган навбатдаги саралаш мусобақасида қатнашадиган бўлди.

Боланинг ўйини «бежо»

НИҲОЯСИГА етай деб қолган жумҳурият катталар 55-чемпионатида яна бир самарқандлик ёш шахматчи танҳо пешқадам бўлиб турибди. Бу СССР спорт мастерлигига номзод Шуҳрат Сафин бўлиб, асосий рақобатчиларини бирин-кетин доғда қолдирмоқда. Унинг республика экс-чемпиони С. Забребельний устидан эришган ғалабаси мухлису мутахассисларда айниқса яхши таассурот қолдирди: ажойиб комбинациялар кўмагида у рақиб шоҳини мот қилди. Салкам минг нафар болани ўз бағрига олган Самарқанддаги шахмат мактаби фаолиятидан бошқалар ўрнак олса арзийди. Бу ерда шахмат қўмагида тарбиявий ишлар ҳам дуруст йўлга қўйилганлиги эътиборга лойиқ.

Устоздан баҳра олиб...

КУНИ кеча аёллар ўртасида жумҳурият 48-чемпионати ниҳоясига етди. Унда кўпгина вилоят ва Тошкент шаҳридан 15 вакил қатнашди. 14 имкониятдан 11 очко жамғарган тошкентлик Р. Мамедова илк бор чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Вунда унинг умр йўлдоши, эркаклар ўртасида республика экс-чемпиони, спорт мастери М. Ботвинниклнинг шогирди Александр Ненашевнинг ҳиссаси бор, албатта. Яхшига яқин юрсанг... дейдилар-ку! Рена Мамедова ва кумуш совриндан эгаси бухоролик Ольга Ким СССР биринчилигининг ярим финалига йўлланма олдилар. Учинчи ўрин Ирина Қаюмовага насиб этди.

М. МУҲИТДИНОВ,
халқаро ҳакам.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржиман ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массиви» бекатлари).

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАРНИ

ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЗАРГАРЛИК — 1,5 — 3 йил;

ЧИННИГА ГУЛ СОЛИШ — 1 — 3 йил;

ЧИННИ САРАЛОВЧИ — 1 — 3 йил;

ЧИННИ ШАКЛИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ — 1 — 3 йил;

САНОАТ МАШИНАЛАРИНИ ТУЗАТАДИГАН СЛЕСАРЛАР — 1 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ТОШКЕНТ ВА КАЛИНИН РАЙОНИДА ЯШОВЧИ, ЕШИ 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН 9—11 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 8-синф маълумотига эга бўлган ёшлар учун 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида заргарлик ҳунарини ўрганган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини ўрганган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига имтиҳонсиз қабул қилинади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкаси, расм (3х4 см. 6 дона), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик. Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38 (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг

30-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УЗОҚ ШАРҚ УЧУН ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

1990-1991 ўқув йили учун

ЁШЛАРНИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электровоз машинистининг ёрдамчиси, пассажир вагонларининг проводниги, йўл мастери, ҳаракат составининг ремонтчи-слесари.

ЎҚИШГА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ИСТЕЪФОГА БЎШАТИЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой, стипендия — ойига 72 сўм. Дарслар рус тилида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1990 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Амалий машғулотлар «Хабаровск — Москва», «Тошкент — Иркутск» поездларида ўтказилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, паспорт, ҳарбий билет, характеристика, яшаш ва иш жойидан справка, 10 дона фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН БОШЛАБ 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

«УЗЭЛЕКТРОМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

47-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиоэлектрон ускуналари бўйича йиғувчи слесарлар, радиоэлектрон ускуналари бўйича монтажчилар, кенг профилдаги станокчилар, механик йиғув ишлари бўйича слесарь-пайвандчилар.

Билим юртига 9-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади (ўқиш муддати 3 йил), **11-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар 6—8 ой ўқиш муддати билан қабул қилинади.**

Ўқиш муддати 3 йил бўлган ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати 6—8 ой бўлган ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳунар-билим юртида турли тўгараклар ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юртини битириб чиққан кишилар Тошкент Электромеханика заводига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см), 086/У формадаги медицина справкаси.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели-2, 64-«а» уй, (40, 58, 98, 99, 104-автобуслар; 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

49-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Муассасаларо экспериментал бирлашманинг

ТЕХНИКУМ-БИЛИМ ЮРТИ

Янги ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИ, ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ, КАРАМЕЛЧИ, КОНФЕТЧИ, СОТУВЧИ, НАЗОРАТЧИ-КАССИР.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 9—11 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган йигит ва қизлар учун — 3 йил, 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил.

3 йил ўқийдиган ўқувчилар стипендия ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

3 йиллик курсларни битирувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади. 1 йиллик курсларни битирувчиларга эса мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Билим юрти ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юрти битирувчилари Тошкент булка-қандолат комбинатига, «Ўртоқ» қандолат фабрикасига, Тошкент сабзавот савдо бирлашмасига, Тошкент ва Наримонов шаҳри ошхоналари трестларига ишга юборилади.

Билим юртини «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга йўлланма Тошкент Совет савдоси техникумига (қисқартирилган программа бўйича ўқитиладиган группаларга), шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланмалар берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: 700080, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй. (68, 15, 45, 23, 171, 183, 177, 154-автобуслар, 5-трамвайнинг «5-Йўлчи» бекати). Телефон 90-36-69.

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

озиқ-овқат моллари

контролёр-кассирларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА

озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописқаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

ДИҚҚАТ!

Сув ўтказиш қувурлари ва водопровод тармоқларида ремонт-профилактика ишлари олиб борилиши, шунингдек 1990 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан

«Водоканал» трести

шаҳар водопроводидан фойдаланувчи абонентларни водопровод шохобчаларида сув бўлмаслиги ва сув босими камайиши эҳтимолн ҳақида

ХАБАРДОР ҚИЛАДИ

13 МАРТ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ 14 МАРТ СОАТ 9.00 ГАЧА

Куйбишев районида: Черкасск кўчасининг икки томонидаги турар жой секторида, Генерал Петров, Линейний кўчалари ва уларга туташган кўчаларда, шунингдек, Марказ-1, Марказ-2 микрорайонларида;

Киров районида: Марказ-4, Марказ-5 микрорайонларида, В. И. Ленин проспекти, Навоий кўчаларининг икки томонидаги уй-жойларда сув босими камаяди.

Куйбишев районида: Островной, Ульяновск кўчалари, 1-Свердлов тор кўчаси икки томонидаги уйларда;

Киров районида: Марказ-4 микрорайонида қисман сув бўлмайди.

14 МАРТ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ 15 МАРТ СОАТ 9.00 ГАЧА

Акмал Икромов районида: Чилонзор массиви, 12, 13, 23, 24, 26-кварталларда;

Фрунзе районида: 9-Январь кўчаси, Космонавтлар проспекти, В. И. Ленин проспекти, Г. Лопатин кўчалари чегараларида сув босими камаяди.

Акмал Икромов районида: Чилонзор массиви, Г-9 «а», 12, 13, 23, 24, 26-кварталларда қисман;

Фрунзе районида: Хўжанд, Г. Лопатин кўчалари, Космонавтлар проспекти икки томонидаги турар жой секторида қисман сув бўлмайди.

Сув бўлмаган ерларга автоводовозларда ичимлик суви юборилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК!

Ҳамма нарса инсон меъдасига тегадию, аммо нон тегмайди. Дастурхонимиздан нон аримайди. Шунинг учун ҳам тез-тез нон магазинига югуриб турамиз. Оқ нон оламиз, қора нон оламиз, яна қандай нон олсак экан, деб ўйлаб ҳам қўямиз... Магазиндан халтамизни тўлдириб нон олиб чиқамиз.

КЕЛИНГ, КЕРАГИДАН ОРТИҚЧА НОН ХАРИД ҚИЛМАСЛИККА УРГАНАЙЛИК!

Тушлик ёки кечки овқатга ҳар бир кишига икки-уч бурда нон кифоя.

Нонинг суви узоқ вақт қочмаслиги учун

уни махсус сиғимларда, шиша, сирланган ва чинни идишларда сақлаш, идиш тубига бир бўлак тозаланган картошка, озгина туз ёки иккига кесилган олма солиб қўйиш керак;

оқ ва қора нонларни ҳамиша алоҳида-алоҳида идишларда сақлаш лозим;

металл идишларни мунтазам ушоқлардан тозалаб туринг, иссиқ сув билан ювинг;

агарда нон иссиқ бўлса, нон солинган қоғоз халта оғзини очиқ қолдиринг;

қотган нонни 5 минут нам сочиққа ўраб, сўнгра 20—25 минутга қизимаган духовкага солиб қўйсангиз, у яна юмшоқ бўлиб қолади.

АНА ШУ ОДДИЙ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛСАНГИЗ, СИЗ ЎЗИНГИЗ УЧУН ҚОТГАН НОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛАСИЗ!

Мабодо нон қотиб қолган тақдирда ҳам, қадимги таомиллардан фойдаланиб, мазали ва одатдан ташқари таомларни тайёрласа бўлади.

Қотиб қолган нондан энг тез ва осон тайёрласа бўладиган нарса, бу юмшоқ нонга нисбатан мазали ва фойдали бўлган қоқ нондир.

ҚОВУРИЛГАН ҚОРА НОН

Қора нонни юпқа парраклаб кесасиз, ўсимлик ёғида қовуриб, устига тузга булғаланган саримсоқпиёз сепасиз. 200 грамм қора нонга 40 грамм ўсимлик ёғи, 20 грамм (ярим бош саримсоқпиёз), туз керак бўлади.

«Ташхлебторг» магазинларидан сиз турли-туман нон ва бошқа дон маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин. Нонни истаганингизча, хоҳласангиз бутун буханкани, хоҳласангиз унинг ярмини ёки чорагини сотиб олсангиз бўлади.

«Ташхлебторг».

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

12, 13 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

Шароф БОШБЕКОВ асари

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳурияти театрларининг «НАВРЎЗ-89» фестивали ғолиби

«ТЕМИР ХОТИН»

(2 мардали жиддий комедия)

Олимжон САЛИМОВ саҳналаштирган.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади. Адрес: Тошкент шаҳри, Уйғур кўчаси, 2-уй. Телефон 44-56-52.

Касса соат 10 дан очиқ.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«ҚАЛДИРҒОЧ ҚАНОТИДА КЕЛГАН ОВОЗЛАР»

ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Одил КАРИМОВ, Ниёз УМАРОВ, Саломат ИБРОҲИМОВА ва Мирсаид ИСҲОҚОВлар

Сиз учун ўзларининг севги-муҳаббат, саховат, мурувват, гўзаллик ҳақидаги қўшиқларини бахшида этадилар.

Сизларнинг қалб тўрингиздан ўрин олган нодир сўз устаси, республика аскиячи ва қизиқчилар конкурсининг бир неча бор ғолиби, машҳур сўз устаси Муҳиддин ДАРВИШЕВ

ПРОГРАММАНИ интермедия ва тақлидлар билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари ГУЛЧЕҲРА ВА ЛУТФУЛЛА САЪДУЛЛАЕВЛАР олиб борадилар.

КЕЧАДАН ТУШГАН МАБЛАҒ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12 март соат 19.30 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАнинг

35 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонандалари, «Лазги» вокаль-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/III да **Масхарабозлар.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/III да **Ўғрини қароқчи урди.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/III да **Хотинимнинг эри.**

КИНО

12, 13, 14 мартда

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «РИО ФУҚАРОСИ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40).

К. Ерматов номли — «ОШИҚ ЭРКАК» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 65-ўрта мактаб томонидан **Исмонлова Насиба Тўлқуновна** номига берилган 732489 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-автокомбинат жамоаси автомашинанинг техника созлигини назорат қилувчи **Раҳмат ТОШМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 04129.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.